

меҳнатидан кўра, ақлий меҳнат нақадар самарали натижа бераётганига яна бир бор амин бўлиш мумкин. Жумладан, Кореяда ҳам айнан хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромад мамлакат ЯИМнинг 55,6% ини ташкил этиши Олий маълумотли инсонларнинг жамиятга ва иқтисодиётга келтираётган фойдасининг яққол исботидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ҳамкорликлар Республикамизни нафақат дунёга танитиш, балки юртимизда ҳар томонлама о'сиш, халқ учун керакли шароитни яратиш ва сифатли ҳаёт кечиришни таъминлашдан иборатдир. Дунёнинг 10дан ортиқ давлатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 25 нафар нуфузли Олийгоҳларнинг филиалларининг ([uz.wikipedia.org](http://uz.wikipedia.org)) юртимиздаги фаолияти яқин йилларда ўз мевасини беради. Бу миқдорнинг йилдан йилга ошиб бориши эса кишини қувонтиради. Зеро, Ўзбекистон фуқароларининг жаҳон стандартларига мос сифатли таълим олиши, юртимизда нафақат иқтисодий ривожланиш орқали тўкин ҳаёт ташкил этиш, балки шу мамлакат одамларининг маънавий ва ижтимоий жихатдан ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу борада фақатгина Жанубий Корея билан эмас, бошқа давлатлар билан ҳам (Россия, Ҳиндистон, Италия, АҚШ, Туркия, Белоруссия ва Ҳоказо) мунтазам ҳамкорликнинг олиб борилаётгани, юртимизда Олий маълумотлилар сафини кенгайтиришга нақадар юқори аҳамият берилаётгани ва бу орқали иқтисодиёт ривожини учун қанчалик муҳим қадамлар ташланаётганини ҳис этиш мумкин.

*Р.Б. Исоқова, С.Н.Саттарова*  
Самарқанд чет тиллири институти

## ТИЛ-МИЛЛАТИМИЗ БИРЛИГИДИР

**Аннотация.** Мақолада тил ҳақида бир қатор қарор ва жамиятда тилнинг ўрни, аҳамияти кенг ёритилиб берилган

**Калит сўзлар:** Тил, жаҳон тиллари, тафаккур, фикр, товуш, сўзлашув.

Ҳамманинг маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

2019-йил 21-октябр куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ҳамда ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чоратадбирлар дастури тасдиқланди<sup>24</sup>. Ўзи умуман тил, адабий тил деганда нимани тушунамиз?

Тилнинг пайдо булиши ва ривожланиши жамият тарақиёти билан борликлиги туфайли тил социологлар томонидан ҳам урганилади. Маълумки, жамият тарихий тарақиёти жараёнида содир булган воқеа ва ходисалар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кура, тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса уз навбатида тарих фанига

<sup>24</sup><http://m.xabar.uz/uz/jamiyat/prezident-til-bayramini-keng-nishonlash>

муурожаат килмай иложлари йуц. Демак, тилшунослар тилга оид масалаларни ҳалкилишда этнография, психология, антропология, математика, журрофия, физика ва бошқа фанларга оид материаллар ва хулосалар- дан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, тил фацат тилшунослик эмас, балки бошқа фанлар учун ҳам урганиш соҳаси сифатида на- моён булади. Бу соҳадан ҳар бир фан уз мавзусини ажратиб олади. Урганиш соҳасини ажратиб олиш нуқтаи назаридан тилшуносликни икки турга: микролингвистика (кичик тилшунослик) ва макролингвистика (катта тилшунослик)га ажратилади. Микролингвистика тилнинг фацат ички, яъни фонетик, лексик ва грамматик тузилишини, макролингвистика эса, тилни бошқа фанлар билан қушилиб урганади.

Макролингвистика тилнинг пайдо булиши ва унинг тарамавжудциёт қонунлари, тилнинг ижтимоий момавжудиятини: унинг тафаккур билан муносабатини, тил ва бошқа сигнал системалари орасидаги ухшашлик ва фарқни, тилнинг тарқалиши (идиалект (шахсий шева), шева, янги тил масалалари) каби муаммоларни уз ичига олади. Хозирги кунда тил иккита бир-бирига зид дунёда- раш — идеалистик ва материалистик нук;таи назардан таърифланади. Онгни бирламчи, материяни иккиламчи деб билувчи идеалистик йуналишдаги олимлар тилга қуйидагича таъриф беришади:

«Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир» (Ф. Де Сосеюр).

«Тил — одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан булган механик ҳаракатидир» (J1. Блум- фильм).

«Тил фикрни ифода мавжудилишга мулжалланган, талаффуз цилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (Б. Гроссе).

Бу фикрларнинг бирортаси, улар гарчи бир-бирини тулдирса ҳам, тилнинг тулици таърифи эмас, чунки у тилнинг ижтимоий мохиятини очиб беролмайди.

Олимлар тилнинг кишплик жамиятида тутган ўрни нақадар муҳим эканини курсатиб, тил кишилар- нинг энг муҳим алоқа воситасидир деб таърифлайдилар. Тил яккаю ягона алоъча воситаси эмас. Алоқа бошқа воситалар орқали \*мавжудам урнатилиши мумкин. Масалан: Морзе алфавит, имо-ишоралар, Африкада узок; масофа- га ахборот бериш учун кулланиладиган ногора товуш- лари, Канар оролларида ишлатилладиган «мавжудуштак-тили» шулар жумласидандир. «Пекин бу воситалар тилга нисбатан ёрдамчи, иккинчи даражалидир. Тил ва бошқа аломавжуда воситалари орасида ухшашлик ва фарқлар мавжуд. Бу воситаларни бир-бири билан бирлаштирадиган хусусиятлар қуйидагилар:

— фикр ва хиссиётларни ифодалайди;

— ижтимоий, чунки жамият томонидан яратилиб, унга хизмат мавжудилади.

— моддий (товуш тулкинлари, график чизмалар ва бошмавжудалар):

— объектив борлици акс эттиради.

Улар орасидаги фармавжуд эса мавжудуйидагилар:

— тил фикр ва хиссиётларни ифода қилувчи восита. Инсон уни барча фаолиятида қуллайди. Бошқа алоқа воситалари ишлатилиш кулами чекланган, масалан, куча ҳаракати белгилари асосан хайдовчиларга хизмат мавжудилади, бошқа ерда ишлатилмайди;

— тил гуруҳ ахборотнинг узинигина бир шахсдан иккинчи шахсга етказмасдан, балки гапирувчининг бу ахборотга муносабатини, унинг хошиш-истаги ва бақоси, рухий холатини акс эттиради.

— тилдан бошқа ҳамма сигнал системалари сунъийдир, улар одамлар томонидан яратилади ва шароитга кура узгартирилиши мумкин. Сунъий воситаларнинг яратилишида одамларнинг ҳаммаси эмас, балки мазкур сомавжудани яхши билувчи кичик бир гуруҳ иштирок этади. Тил эса одамларнинг истак-хошишларига боглик булмайди, уни жамият аъзолари уз ихтиёрлари билан узгартира олмайди. Тил асрлар давомида жамиятга хизмат қилади, уларнинг эхтиёрларини

тула-тукис бажаради, гарчанд тил узгарувчан ходиса булсада, у фацат узининг ички объектив қонунлари асосида ривожланади. Шу билан бирга шуни ҳам цайд килиш керакки, жамият булмаса, тил булмайд; жамият тилни кундалик мавжудаёти- да цулламаса, у (тил) ривожланмайди. Демак, тил ва жамият доимо бир-бирини такрзо этади. Бошқа сигнал системалари тилга нисбатан иккиламчи, унга кушимча восита сифатида намоён булади, тилни тулдиради.

Шундан қилиб, тил узига хос семиологик система (яъни ишоралар системаси) булиб, жамиятда асосий ва энг мухим фикр алмашиш к;уроли, жамият тафаккурининг ривожланишини таъмин ловчи, авлоддан авлодга маданий-тарихий анъ- аналарни етказувчи восита хизматини утайд и.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки хафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 мингтагача етган бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан сивилизатсия туфайли маданиятидан айрилайтган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳрадир. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бугун Интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келади.

Тил нафақат муаммола воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади.

Бугунги кунда дунёда 6809 та тил мавжуд бўлиб, уларнинг тенг ярми саккизта давлат – Мексика, Индонезия, Камерун, Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Россия ҳиссасига тўғри келади. Энг кўп тилли мамлакат сифатида Ҳиндистон тан олинади. Бу мамлакатда аҳоли 845 тил ва лаҳжада сўзлашади. Иккинчи ўринда эса 600 та тил ва шевада сўзлашувчи Папуа — Янги Гвинея туради. Сайёрамизда энг кўп аҳоли сўзлашадиган тил сифатида хитой, инглиз ва испан тиллари тан олинган. Биринчи ўнликка ҳинди, бенгал, араб, португал, неметс, рус ва япон тиллари ҳам киритилган. Жахон тилларининг атиги 4 фоизи европа қитасига тўғри келса-да, энг кўп сўзлашувчи тилларнинг тенг ярми “кўҳна қита”да экани маълум бўлди. 341 миллион киши инглиз тилини она тили сифатида тан олади, бироқ яна 350 миллион киши бу тилни иккинчи она тили сифатида кўришини маълум қилган. Таҳлилчилар хитой ва инглиз тиллари фойдаланиш бўйича ўз мавқеини ошириб бораётганини айтишади. Вазиятни ўрганаётган кузатувчиларнинг фикрича, фойдаланувчилар сони бўйича айни дамда инглиз тили етакчилик қилаётган бўлса, ХХИ аср ўрталарига бориб, хитой тили асосий тил бўлиб олиши мумкин.

Ўзбектили – туркийтилларнинг қарлуқгуруҳи гамансубтиллардан; янгиуйғуртилибиланбиргаликдақарлуқ-хоразмгуруҳ часиниташкилэтади.Ўзбектилиасосан, Ўзбекистонда, шунингдек,Афғонистон,

Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия,  
Туркия, Саудия Арабистони, Хитой, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатлардатарқалган.  
Ўзбек тили қипчоқ, ўғуз, қарлуқ-чигил-уйғур каби 3 татил бир  
лигисифатида шаклланиб, мураккаб диалектал таркиби билан ажралиб туради.

Унда 3 та асосий лаҳжа бор, булар:

- 1) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси;
- 2) қипчоқ лаҳжаси;
- 3) ўғуз лаҳжаси.

Бу лаҳжалар таркибидаги кўплаб шевалар фонетик, лексик ва қисман морфологик жиҳатдан ўзаро фарқланса-да, уларнинг барчаси ҳам миллий Ўзбек тилининг, адабий ўзбек тилининг шаклланишида муайян даражада иштирок этган. Ўзбек тилининг лаҳжалари орасида, одатда, қарлуқ-чигил лаҳжаси ҳамда унинг таркибига қириқчи шевалар (Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Бухоро, Қарши, Ўш, Марғилон, Жалолобод ва бошқа шаҳарларнинг шевалари) ўзбек адабий тилининг таянч шевалари ҳисобланади. Ўзбек адабий тилининг меъёрларини белгилашда Тошкент тшеvasи фонетик жиҳатдан, Фарғона, Андижон шевалари морфологик жиҳатдан таянч шевалар деб олинган.

Туркий халқлар учун муштарак обида ҳисобланган Ўрхун-Енисей тош битиклари, Ўрта Осиё туркий халқларининг умумий адабий тили намуналари бўлган “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг” каби ўлмас асарлар ўзбек халқининг дастлабки ёзма ёдгорликлари ҳисобланади. Ески ўзбек адабий тилининг шаклланиши ХІВ аср охири ва ХВ асрга тўғри келади. Бу давр адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўзбек адабий тили Лутфий, Саққокий, Навоий, Бобур ижоди билан бошланиб, Оғаҳий, Фурқат, Муқимийлар ижодида ривожланди, сайқал топди.

1993 йил 2 сентабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли ўзгартиришлар билан қайта қабул қилинди ва “Давлат тили ҳақида”ги Қонун билан бир қаторда, унинг давоми сифатида ҳозирги кунга қадар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш, 5,6,7-бетлар, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.